# Тошкент оқшоми

2012 йил 10 октябрь, чоршанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 205 (12.266)

Баҳоси эркин нархда


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОЗАРБОЙЖОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 2012 йил 11-12 октябрь кунлари расмий ташриф билан Боку шаҳрида бўлади.

Олий даражадаги музокаралар чоғида ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар бўйича фикр алмашиш режалаштирилмоқда.

Расмий ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, Ўзбекистон ва Озарбойжон ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган бошқа ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

## ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

***Ўзбек ва озарбойжон халқлари ўртасидаги асрлар давомида мустаҳкамланиб келаётган яқин дўстлик ва биродарлик алоқалари, маданият, тил, дин ва анъаналарнинг муштараклиги мамлакатларимизнинг кенг ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиги учун муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.***

Тошкент ва Бокуда ўзаро ишонч, дўстлик ва бир-бирининг манфаатларини ҳурмат қилиш тамойилларига асосланган алоқалар юксак қадрланади. Мунтазам равишда олий даражадаги учрашувлар ўтказиб келинаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йилнинг сентябрь ойида Озарбойжон Республикасига расмий ташрифи, шунингдек, Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг 2010 йилнинг сентябрида Ўзбекистонга расмий ташрифи асносида имзоланган ҳужжатлар ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янги мазмун билан бойитишга хизмат қилаётир.

Мамлакатларимиз мустақилликка эришганидан кейин анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари янги замон руҳида ривожлана бошлади. Ўзаро муносабатларни ривожлантиришдан Ўзбекистон ҳам, Озарбойжон ҳам манфаатдор. Бугунги кунда Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги дўстона алоқалар савдо-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий йўналишлар қатори маданий соҳада ҳам фаол ривожланмоқда.

Ўзбекистондаги Республика озарбойжон миллий маданият маркази ҳам икки биродар халқнинг дўстона муносабатларини янада мустаҳкамлашга, маданий алоқаларни изчил ривожлантиришга хизмат қилаётир. Ушбу марказ Ўзбекистонда озарбойжон маданияти, тили, анъана ва қадриятлари, урф-одатларини сақлаш ва ривожлантиришга, шунингдек, мамлакатимизда миллатлараро алоқаларни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётир.

– Бугунги кунда Ўзбекистонда қирқ мингдан зиёд озарбойжон диаспораси вакили яшайди, – дейди Республика озарбойжон миллий маданият маркази бошқаруви раиси Мобил Мамедов. – Улар Ўзбекистоннинг ижтимоий, маданий ва иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этаётир. Илм-фан, таълим ва спорт жабҳаларининг ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда. Айтиш жоизки, мамлакатимизда барча миллат ва элат вакилларининг ўз миллий урф-одат ва анъаналари, қадриятларини тиклаш ва ривожлантириши учун қулай шароит ва кенг имкониятлар яратилган. Бундай муҳит, самимий ва дўстона муносабат Ўзбекистонда яшаётган турли миллат вакилларининг аҳил-иноқ, тинч-тотув, бир оиладек яшашига хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

***Ҳозирги замон талаблари асосида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналар сони ва уларнинг иқтисодиётимиз ривожига қўшаётган ҳиссаси тобора ортмоқда.***

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Иқтисодиёт

## ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС




«Artel» брендли туширилган сифатли ва рақобатбардош маиший техника воситалари ҳам бугунги истеъмолчилар талабини тўлиқ ҳисобга олингани боис ички бозорда ўз харидорларини топмоқда. Таъкидлаш жоизки, «White Machine Technology» масъулияти чекланган жамияти ҚК томонидан Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш 2011 йилда бошланди. Ҳозирда мазкур корхона томонидан «Artel» савдо белгиси остида 2 хил моделдаги LCD телевизорлари ишлаб чиқарилмоқда. Яъни «Artel» Ўзбекистон маиший техника бозори учун бутунлай янги, кенг функцияларни қамраб олган иккита моделдаги телевизорларни таклиф этмоқда. Ватанимизда ишлаб чиқарилган ушбу телевизорлар LCD экранга эга бўлиб, юксак сифатли тасвир, технологик қувватга эга.

— Маҳсулотларимиз нархининг нисбатан арзонлиги, тежамкорлиги, қулайлиги унинг рақобатбардошлигини таъминламоқда. Қўшма корхона томонидан биринчи лойиҳа Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида маиший чанг ютгичларни ишлаб чиқаришдан бошланган, — дейди «White Machine Technology» масъулияти чекланган жамияти ҚКнинг телевизорлар ишлаб чиқариш цехи бошлиғи Қобил Тошмуҳамедов. — LCD телевизорларни ишлаб чиқариш иккинчи лойиҳаси Шайхонтоҳур туманида амалга оширилмоқда. Биринчи лойиҳа маҳаллийлаштириш дастурига киритилган. Ҳозирда LCD телевизорларини ҳам ушбу дастурга киритиш юзасидан таклифлар тайёрланмоқда. Улар «Artel» савдо белгиси остидаги экрани 32 ва 42 дюйм бўлган телевизорлардир. Бу ўзбек тилини ҳам ҳисобга олганда меню ҳамда менюси 25 тилни ўз ичига олган ягона телевизор ҳисобланади. Тақдим этилаётган уч йиллик кафолат, бутун Ўзбекистон бўйлаб компаниянинг сервис марказларидан ёрдам олиш мумкинлиги телевизорнинг сифати юқорилигидан далолат беради.

Маиший чангютгичлар ишлаб чиқариш лойиҳаси доирасида корхона томонидан 60 та иш ўринлари яратилган бўлса, LCD телевизорларини ишлаб чиқариш борасида 25 та янги иш ўрни яратилган. Кейинчалик телевизорларнинг янги моделларини ишлаб чиқариш бўйича иш олиб борилмоқда. Маиший чангютгичлар Жанубий Кореянинг «Samsung» компанияси технологияси асосида, LCD телевизорлари эса Жанубий Корея ва Европа технологиялари асосида ишлаб чиқарилади.

Корхонанинг Нукус шаҳрида филиали мавжуд.

LCD телевизорлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологиянинг умумий қуввати кунига 350 та маҳсулот тайёрлашга мўлжалланган. Ходимларимиз мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун Малайзия ва Жанубий Кореяда малакаларини ошириб келишди. Бундан ташқари, корхонамиз ходимларини хориждан мутахассисларни таклиф этган ҳолда малакаларини оширишга доир тадбирлар ҳам бажарилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

***Тошкентда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармон доиралари ўртасида савдо-иқтисодий, сармоявий ва техникавий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга бағишланган семинар бўлиб ўтди.***

## ИШБИЛАРМОНЛАР МУЛОҚОТИ

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча йўналишлар қатори иқтисодий соҳада ҳам изчил тараққий этаётгани, мазкур семинар ўзаро савдо-иқтисодий, сармоявий ва техникавий алоқаларни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очишга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея иқтисодий соҳада улкан салоҳиятга эга давлатлардир. Савдо алоқалари борасида мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан бири.

Анжуманга Жанубий Кореянинг қатор йирик фирма ва компанияларидан кўплаб вакилларнинг келгани Ўзбекистондаги иқтисодий барқарорлик ва қулай сармоявий муҳит уларнинг ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга эътиборини кучайтираётганидан далолатдир. Хусусан, Ўзбекистоннинг табиий бойликлари, жўғрофий жойлашуви, замонавий транспорт коммуникациялари, юксак интеллектуал салоҳияти, қулай сармоявий муҳити, замонавий технологияларни изчил ўзлаштириб бораётгани ҳамда юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик кўплаб давлатларнинг мамлакатимиз билан ҳамкорликка қизиқишини тобора оширмоқда.

Семинарда кореялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари, Ўзбекистоннинг нефть-газ, автомобилсозлик, ахборот технологиялари каби соҳалардаги салоҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Мамлакатимиздаги сиёсий ва иқтисодий барқарорлик ялпи ички маҳсулотнинг мунтазам ўсишида муҳим омил бўлаётгани таъкидланди. Меҳмонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизни ривожлантириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишдилар.

– Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, техникавий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда, – деди Корея Республикасининг Ульжин уезди губернатори Шин Чанг Йоль. – Ульжин уезди Кореянинг саноати жадал ривожланаётган ҳудудларидан бири бўлиб, машинасозлик, энергетика, кимё, ахборот технологиялари соҳалари анча тараққий этган. Бугунги анжуманда техникавий ҳамкорликни ривожлантириш борасида эришилган келишувлар бу йўналишдаги алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тадбир якунида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Корея Республикасининг Ульсан шаҳри Технопарки ҳамда Ульжин уезди ўртасида техникавий ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

**Мадина УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** С.Сирожиддинов номли академик лицейда уюштирилган давра суҳбати «Келажак ворисларимиз» деб номланди.

✓ **КЕЧА** пойтахтимизда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида ўпка, кўкрак бези саратони профилактикаси, диагностикаси ва даволаш технологияларига бағишланган симпозиум ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Ёшлар ижод саройида «Art Week Style.uz – 2012» санъат ҳафталигининг якуний тадбирларга бағишланган «Дом стилья» модалар уйи ижодкорларининг либослар тўплами намойиш этилди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Хабар қилинганидек, Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.**

**● Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтказилаётган давлат гранти танловларига Самарқанд вилоятидаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирокини таъминлаш масаласига бағишланган семинар ўтказилди.**

**● Жиззах вилоятида жорий йилда намунавий лойиҳа асосида 370 замонавий турар-жой барпо этилаётир. Уй-жой учун ер участкаларининг туман ҳокимлари қарори билан аукцион савдоларисиз, мерос қолдириш ҳуқуқи билан умрбод берилаётгани қишлоқ аҳолисининг янги уйларга қизиқишини янада оширмоқда.**

**● Бухоро тумани, Галаосиё шаҳарчасида болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Ушбу мажмуа 2-Бухорожамоақурилиш уюшмасига қарашли «47-кўчма механизациялашган жамланма» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан барпо этилган бўлиб, янги бинода 150 нафар ўғил-қизнинг машғулотлар ўтказиши учун барча қулайликлар мавжуд.**

**● Наманган вилояти тиббий диагностика марказида кардиология, нейрохирургия ва ортопедияни ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

### ЖАҲОНДА

**● Квант тизимларини бошқариш, алоҳида зарраларни уларнинг ҳолатини бузмасдан ҳам ўлчаш мумкинлигини намойиш этиш борасидаги оламшумул технологияларни яратгани учун франциялик олим Сер Алош ва америкалик тадқиқотчи Дэвид Уайнленд жорий йилги физика йўналиши бўйича нуфузли Нобель мукофотини қўлга киритиб, 1,2 миллион доллар соҳибига айланишди.**

**● Австралияда дунёдаги энг йирик радиотелескоп «Ska»ни ишга туширишнинг дастлабки босқичини ўз ичига олган «ASKAP» қурилмаси лойиҳаси расмий равишда старт олди. Қурилма ҳар бирининг диаметри 12 метр бўлган 36 та антеннадан ташкил топади. Ҳозирда телескопни ишга тушириш ишлари бошланган. Лойиҳанинг қиймати 158 миллион долларга баҳоланиб, унинг ёрдамида илк илмий маълумотларнинг 2012 йилнинг охири, 2013 йилнинг бошларида олиниши кутилмоқда.**

**● Гватемаладаги Фуего вулқонининг фаоллиги кескин ошди. Вулқон кратерида юз берган кучли портлашлар оқибатида ҳавога заҳарли газ тарқалган. Шу боис мазкур ҳудудда жойлашган 10 га яқин қишлоқдаги минглаб аҳоли хавфсиз ерларга кўчирилмоқда. Табиий офат талафотлари билан курашиш бўйича миллий кенгаш вулқон атрофида хавф энг юқори даражада эканини маълум қилди.**

**● Италияда велосипед савдоси ҳажми тобора ошиб бормоқда. Мамлакатда ўтган йили 1 миллион 700 минг дона велосипед сотилган бўлса, жорий йилнинг январь-август ойларида ушбу кўрсаткич 2 миллиондан ошди. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, бунга мамлакатда ҳамон давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз ҳамда ёнилғи нархининг ошиб бораётгани сабаб бўлмоқда.**

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 106-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.*

# СУД ОРҚАЛИ ҲИМОЯЛАНИШ КАФОЛАТЛАРИ САМАРАЛАРИ

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли ушбу конституциявий қоида амалда тўлиқ ўз ифодасини топди. Бунда суд ҳокимияти мустақиллигини босқичма-босқич мустаҳкамлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар комплекси амалга оширилгани алоҳида аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ)нинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори ва Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) билан ҳамкорликда ташкил этилган «Суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаш: суднинг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш» мавзуидаги халқаро семинар-тренинг ҳам ушбу масалаларга бағишланди.

Германия, Франция, Япония каби мамлакатлардан халқаро экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази вакиллари иштирок этган тадбирда Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, Олий суд ҳузуридаги суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази директорининг ўринбосари М.Ҳакимов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади. Бу юртимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш механизмининг мустаҳкамланишига, аҳолига барча ҳуқуқларидан унумли фойдаланиши учун зарур барча шарт-шароитлар яратилиши сари кенг йўл очмоқда. Энг муҳими, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатларини амалда тўла таъминлай оладиган мустақил суд ҳокимияти қарор топмоқда.

Бунда суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги институтга айлантиришга қаратилган ислоҳотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда. «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилингани, жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчилигига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқариш имконини берди.

Нафақат суд, балки айнан судьянинг мустақиллигини таъминлаш борасида ҳам юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Зеро, Бош Қомусимизнинг 112-моддасида қайд этилганидек, судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади.

Семинарда соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида янги тизим жорий этилгани ҳар жиҳатдан билимли, маънан етук мутахассисларни судьяликка жалб этиш имконини бераётгани таъкидланди. Шу мақсадда тузилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси шу йўналишда изчил фаолият юритмоқда.

Умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Бу, ўз навбатида, уларнинг жиноят ва фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилаётир.

– Ўзбекистонда судларнинг ихтисослаштирилгани эътиборга лойиқ, – дейди ЎзА мухбирига Нагоя университети Осиё ҳуқуқий алмашуви маркази директори Ичихаши Катцуя (Япония). – Бу ишларнинг ўз вақтида сифатли кўрилишида муҳим аҳамиятга эга. Чунки судьяларнинг бир йўналишда фаолият кўрсатиши уларнинг малакаси, тажрибаси ортиб боришига хизмат қилади. Яна шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, Ўзбекистонда қонунларнинг изчил такомиллаштирилаётгани, уларда инсонпарварлик тамойилларининг устуворлиги эътирофга сазовор.

Тадбирда Ўзбекистонда жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида тортишув тамойили тўла жорий этилгани ҳам инсон ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Бу мамлакатимизда адвокатура институтининг тубдан ислоҳ қилингани, фуқароларнинг ҳимоя ҳуқуқи кучайтирилгани натижасидир. Зеро, кучли мустақил адвокатура тизими инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларидандир.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим омил бўлмоқда. Шу асосда адвокатуранинг ўзини ўзи бошқарадиган марказлаштирилган тизими – Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ташкил этилди. Унга барча адвокатларнинг мажбурий аъзо бўлиши белгилангани адвокатура тизимининг яхлитлигини таъминлашга хизмат қилаётир.

Адвокатнинг процессуал мақомини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликнинг янада такомиллаштирилгани жиноят процессида айблов ва ҳимоя тарафларининг процессуал ҳуқуқлари тенглигини таъминлаш орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга хизмат қилаётир. Адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш, мазкур соҳада суд фаолиятини либераллаштириш бўйича ҳам кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилгани инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим омили бўлмоқда. Бу борада «Хабеас корпус» институтининг жорий этилгани, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокуратурадан судга ўтказилгани шахс дахлсизлиги кафолатини амалда тўла таъминлашга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида бу йўналишдаги ишлар янги маъно ва мазмун билан бойиб, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизими изчил демократлаштирилмоқда. Шу билан бирга, суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва социал кафолатлар кучайтирилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 2 августда қабул қилинган «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бунинг ёрқин далилидир. Фармонда суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Мазкур концепцияга мувофиқ ишлаб чиқилган «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг шу йил 30 августда бўлиб ўтган тўққизинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан шу йил 18 сентябрда имзоланган мазкур қонунда айбланувчини лавозимидан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини суд тартибида қўллашни, жиноят ишини қўзғатиш ҳуқуқини суднинг ваколатларидан чиқариб ташлашни, ишни судда кўриш вақтида жиноят иши юзасидан айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини прокурорга юклаш назарда тутилган. Бу қоидаларнинг қўлланилиши суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширишда суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, суднинг суд муҳокамасини адолатли олиб боришдан иборат асосий вазифаси бажарилишини таъминлаш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари амалга оширилишига имкон беради.

Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган бундай изчил ислоҳотлар натижасида фуқароларнинг судларга бўлган ишончи ортмоқда.

– Ўзбекистонга илк бор келишим, – дейди Берлин-Бранденбург Олий маъмурий суди раиси Юрген Кипп (Германия). – Бу ердаги тинч ва фаровон ҳаёт, ривожланиш барча соҳаларда зарур ҳуқуқий асослар яратилгани ва бу амалда таъминланаётганини кўрсатади. Зеро, ҳуқуқий кафолатларни таъминламасдан туриб буларга эришиб бўлмайди. Мамлакатингизда қисқа вақтда суд-ҳуқуқ соҳасида улкан ютуқларга эришилгани таҳсинга лойиқ. Айниқса, ўлим жазосининг бекор қилингани, судларнинг ваколатлари кенгайтирилгани эътиборга сазовор.

Семинарда, шунингдек, Германия, Франция, Япония каби давлатлар суд тизими ҳақида батафсил маълумот берилди. Суд ҳокимияти мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлашга оид қонунчилик базасини янада такомиллаштириш бўйича фикр алмашилди. Семинар-тренинг натижасига кўра иштирокчилар томонидан ушбу соҳага оид тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА**

*Пойтахтимизда архивлар ишини такомиллаштиришга бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.*

# АРХИВЛАР – ТАРИХ КЎЗГУСИ

Пойтахтимизда архив муассасалари ва ташкилотларида ахборот ресурсларини жамлаш, ҳисобини олиб бориш, сақлаш ва улардан фойдаланиш муаммоларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон, Польша, Беларусь, Литва, Украина, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбойжон, Молдова, Россия каби мамлакатлардан соҳа мутахассислари, эксперт ва олимлар иштирок этди.

Халқаро анжуманнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги бош директори А.Абдуллаев ва бошқалар истиқлол йилларида мамлакатимизнинг тарихий, илмий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётига оид муҳим аҳамиятга эга архив ҳужжатларини сақлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга олиш ҳамда улардан фойдаланишни ташкил этишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда архив ишини такомиллаштириш, архивларни техник модернизациялаш, соҳага илғор технологияларни жалб этиш, мазкур йўналишда ходимлар билим ва малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада архив ҳужжатларининг библиографик ахборот базасини яратиш ҳамда қимматбаҳо ва ноёб материалларни рақамли форматга ўтказиш каби энг илғор усуллардан фойдаланилмоқда. Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивларида қимматбаҳо ва ноёб архив ҳужжатларини сақлаш ва уларни рақамли форматга ўтказиш бўйича кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Тарихий ҳужжатлардан фойдаланишни енгиллаштириш мақсадида марказий архивларда электрон кутубхоналар ташкил этилмоқда. 2010 йил 15 июнда қабул қилинган «Архив иши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни архивлар фаолиятини такомиллаштиришда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги мазкур йўналишда фаолият юритувчи асосий муассасалардандир. Агентлик архив иши ва иш юритиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, давлат архивларини бошқариш, соҳага оид қонун ҳужжатларининг амалда бажарилиши ва уларга риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш, архив идораларининг намунали фаолият кўрсатишини таъминловчи давлат бошқарув органидир. Агентлик давлат идоралари, ҳокимликлар билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш, жойлардаги давлат архивларининг иш шароитини яхшилаш бўйича кўплаб саъй-ҳаракатларни амалга ошираётир.

Халқаро архивлар кенгаши дунё мамалакатлари архивларини қўллаб-қувватлаш, архив меросини сақлаш, ривожлантириш ва фойдаланишга кўмаклашиш билан шуғулланадиган нуфузли ташкилотдир. Мазкур халқаро муассаса архивлар ривожига кўмаклашиш орқали, халқаро аҳамиятга молик қимматли маълумотларни сақлаш йўлида самарали хизмат қилмоқда. Халқаро архивлар кенгашининг дунё бўйича ўн уч минтақавий бўлими мавжуд.

– Юксак савияда ташкил этилган мазкур халқаро анжуман жаҳонда архив соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, рўй бераётган ўзгаришлар ва эришилган ютуқлар юзасидан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини берди, – дейди Беларусь Республикаси Адлия вазирлиги архив ва иш юритиш департаменти директори Владимир Адамушко. – Ўзбекистон ушбу соҳада катта муваффақиятларга эришмоқда. Айниқса, илмий маълумот аппаратини барқарор ривожлантиришни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар юксак самаралар бераётгани эътиборга молик. Шунингдек, архив соҳасини такомиллаштиришда замонавий ахборот технологияларини қўллаш борасидаги изчил ислоҳотлар таҳсинга сазовор.

– Конференцияда архив манбаларидан интернет орқали фойдаланишга бағишланган маърузам билан иштирок этдим, – дейди Польша давлат архивлари директори ўринбосари Резард Войтковский. – Бугунги кунда кўплаб мамлакатларнинг архив тизимида замонавий технологияларни жалб этган ҳолда фойдаланувчиларга қулай имкониятлар яратилмоқда. Бу соҳада интерфаол хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Эндиликда фуқаролар ўзини қизиқтирган масала юзасидан архивга келиб юрмасдан, уйидан ёки иш жойидан турли архив агентликлари веб-сайтида кўрсатилган электрон манзил бўйича мурожаат этиши мумкин. Хизматнинг бундай тури архивдан фойдаланувчи учун жуда қулай, исталган маълумотга тез ва осон эга бўлиш мумкин.

– Мамлакатимизда архив тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда, – дейди Тошкент вилояти архив иши бошқармаси бошлиғи Гулнора Бекмуҳамедова. – Ҳудудлардаги давлат архив идоралари компьютерлаштирилиб, улар ўртасида электрон ахборот алмашинуви йўлга қўйилган, архивларда сақланаётган ҳужжатларга оид маълумотларнинг электрон базалари яратилмоқда. Натижада архив ҳужжатларига қизиқиш ва улардан фойдаланувчилар сони йил сайин ошмоқда. Бу борада хорижлик ҳамкасбларимиз билан фикр ва тажриба алмашиш, халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳар жиҳатдан фойдалидир.

Анжуманда МДҲ ва Евросиё минтақасида архив ишининг бугунги аҳволи ва уни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Конференцияда архив ишини ривожлантириш, марказий архивлар жамғармалари каталогларини замонавийлаштириш, архив иши ва ҳужжат таъминоти соҳасида кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш, минтақадаги миллий архивлар хизматлари ўртасидаги алоқаларни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш, шунингдек, архив ҳужжатларини сақлаш борасида халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш каби масалалар муҳокама қилинди.

Анжуман доирасида Халқаро архивлар кенгаши Евросиё минтақавий бўлимига (ЕВРАЗИКА) аъзо мамлакатлар миллий архивлар хизматлари раҳбарларининг маслаҳат кенгаши мажлиси, Халқаро архивлар кенгаши Евросиё минтақавий бўлими 13-умумий конференцияси ҳам бўлиб ўтди.

Форум иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви фаолияти билан танишиб, «Ўзбекистон тарихи архив ҳужжатларида» кўргазмасини кўздан кечирдилар.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири**



## Ўқув муассасаларида

# МУКАММАЛ БИЛИМ ОЛИШДИ

*Тошкент Халқаро Вестминстер университетида навбатдаги битирув маросими бўлиб ўтди. Саккизинчи маротаба уюштирилаётган ушбу тадбир, Лондон Вестминстер университети томонидан анъанага киритилган бўлиб, ўқув юрти ташкил қилингандан буён ҳар йили тантанали равишда ўтказиб келинмоқда.*

Тадбирда битирувчиларни Лондон Вестминстер университети раиси ўринбосари Питер Кайл ва Тошкент Халқаро Вестминстер университети ректори Абдумалик Жуманов ҳамда лондонлик ва тошкентлик ҳамкасабалари муборакбод этдилар.

Таъкидлаш жоизки битирув маросими XII аср, яъни университетлар барпо қилинган пайтлардан бери Британия олий таълим тизимининг анъаналаридан бирига айланган. Тадбирда қатнашаётган битирувчилар мантия ва бош кийимдан иборат махсус академик либос кийишади. Шуни айтиш керакки, ҳар бир Британия университети ўзига хос академик либосга эга.

Бу йил ўқув масканини саккизинчи бакалаврлар ва тўртинчи магистрлар таркиби битирди.

Университет очилганидан бери, уни бизнес бошқаруви, иқтисодиёт ва молия, тижорий ҳуқуқ ҳамда ахборот технологиялари йўналишлари бўйича 900 дан ортиқ талабалар муваффақиятли тамомладилар. Битирувчиларнинг қарийб 90 фоизи ҳозирги пайтда турли давлат корхоналари, хусусий ва халқаро ташкилотларда фаолият олиб боришмоқда. Улар орасида мамлакатимиздаги ва бошқа давлатлардаги олий ўқув юртларида ўқишини давом эттираётганлар ҳам бор.

– Мен Туркманистонда туғилиб ўсганман. Олий ўқув юртига кириш вақти келганида, Ўрта Осиёда жойлашган халқаро университетлардан бирига тайёрланишга аҳд қилдим ва минтақамиздаги энг нуфузли халқаро тоифали ўқув даргоҳи деб ушбу университетни танладим, – дейди Бошқарув йўналишининг аъло диплом эгаси Павел Заручевский. – Агар яна бир имконият қайта берилганда, ҳеч иккиланмай шу ерда ўқирдим ва ҳар бир онларимни қадрлаган бўлардим. Ҳаётимнинг энг гўзал, такрорланмас, ёрқин кунлари ушбу ўқув масканида ўтди. Бунинг учун устозларимга ва барча ўртоқларимга миннатдорлик билдириб қоламан.

– Мен университетнинг тижорий ҳуқуқ йўналишини аъло дипломга тугатдим, – дейди фарғоналик Холидахон Собирова. – Университет тақдим этадиган халқаро таълим дастури ҳар бир талабада ниҳоятда катта қизиқиш уйғотади. Ушб қутлуғ даргоҳ менга янги ўқув дастури ва мукаммал билим бериш билан бирга, янги ҳаёт йўлини ҳам тақдим этди. Кўп имкониятлар ва ёруғ хотиралар берди...

Тошкент Халқаро Вестминстер университетига ўқишга кирган талабалар сони 2011 йилга қараганда, жорий йилда 35 фоизга ошди. Ўқув муассасаси ўз олдига катта мақсадлар қўйган. Жумладан, янги курсларни тақдим этиш ва илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш навбатдаги режалардан биридир. Лойиҳаловчи мутахассислар, қурувчилар ва университет маъмуриятининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари эвазига 2013 йилда иккита янги ўқув-тадқиқот корпуси ва янги спорт мажмуасининг фойдаланишга топширилиши режалаштирилмоқда.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: тадбирдан лавҳа**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

# ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ўзбекистон ва Озарбойжон вакиллари икки мамлакатда ўтадиган турли маданият ва санъат фестивалларида, форум ва кўргазмаларда мунтазам иштирок этиб келадилар. Жумладан, озарбойжонлик санъаткорлар ҳар икки йилда Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг доимий ва фаол қатнашчилари бўлиб, унда бир неча бор совринли ўринларни эгаллаган.

Ўзбек ва озарбойжон халқларининг адабий мероси умумий, маданият ва санъати муштаракдир. Озарбойжонда Навоий ёхуд Бобур, Ўзбекистонда Низомий ёки Фузулий асарларини ўқимаган кишини топиш қийин. Бокуда Навоий ҳайкали, Тошкентда Низомий ҳайкали бунёд этилгани икки мамлакатнинг бир-бирининг маданиятига бўлган юксак эҳтиромидан далолатдир.

Ўзбекистонда истиқомат қилувчи озарбойжонликларни бирлаштирувчи ташкилотимизнинг асосий вазифалари мамлакатимизда озарбойжон маданиятини сақлаш ва ривожлантириш баробарида ўзбекистонликларни Озарбойжон тарихи, тили ва маданияти билан таништириш, юртимизда тинчлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлашга ҳамда ўсиб келаётган ёш авлодни инсонпарварлик ва бағрикенглик каби умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга кўмаклашиш, шунингдек, икки халқнинг маданий алоқаларини тараққий эттиришга ҳисса қўшишдан иборат.

Марказимиз озарбойжон маданияти, тили, адабиёти, халқ амалий санъати, миллий спорт турлари ва миллий таомларини ўрганишга ихтисослашган тўгараклар ҳамда мусиқий ва ижодий студиялар ташкил этиш билан ҳам шуғулланади. Бундай тўгаракларга мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча миллат вакиллари қатнашиши мумкин. Марказ турли семинар ва тадбирлар, кўплаб танловлар, илмий ва маданий анжуманлар, конференциялар ўтказиш, иқтидорли ёшларни Ўзбекистонда ва хорижда олий таълим олиши учун кўмаклашиш, озарбойжон тилидаги адабиётлар кутубхонаси жамғармасини ташкил этиш борасида ҳам қатор саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Жорий йилнинг Ватанимизда Президент Ислом Каримов томонидан Мустаҳкам оила йили деб эълон қилингани муносабати билан ташкилотимиз ва унинг ҳудудий бўлинмалари озарбойжон диаспораси вакилларининг оилавий муносабатларини ва қадриятларини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, халқларимиз ўртасидаги қардошлик ришталари, ўзаро дўстона алоқалар бугунги кунда изчил мустаҳкамланиб бораётир. Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги муносабатлар барча соҳалар қатори маданий йўналишда ҳам жадал тараққий этиб бораётгани бизни ғоят қувонтиради. Марказимиз бу борадаги ишларни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшаётганидан мамнунмиз. Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги ўзаро манфаатли, ишонч ва ҳурмат тамойилларига асосланган ҳамкорлик алоқалари бундан кейин ҳам изчил ривожланиб боравершига ишонамиз.

**(ЎзА)**

*«Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Саломатлик» поезди Оролбўйига етиб келди.*

# «САЛОМАТЛИК» ПОЕЗДИ ОРОЛБЎЙИДА

Ушбу поездга дори-дармонлар, тиббиёт анжомлари, санитария-гигиена воситалари ҳамда ногиронлар учун махсус мосламалар, шунингдек, 8,5 тонна ижтимоий юк ортилган. Улар мамлакатимизнинг энг чекка ҳудуди – Қўнғирот туманида яшаётган кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, тиббий кўмакка муҳтож фуқароларнинг саломатлигини тиклашга йўналтирилади.

– «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган ушбу «Саломатлик» поездида жарроҳ, терапевт, лор, офтальмолог, акушер-гинеколог, невропатолог, шунингдек, рентген, ультратовуш текшируви мутахассисларидан иборат тажрибали шифокорлар бор, – дейди «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси марказий клиник шифохонаси бош терапевти Умар Олимжонов. – Улар бир ҳафта давомида аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиб, уларга тиббий ёрдам кўрсатади.

**А.ОРТИҚБОЕВ**

**Кўргазмалар**

# УСТОЗИМДАН МЕРОС ҲУНАРИМ

***Ўзбекистон амалий санъат музейида очилган кўргазма юқоридагидай номланди. Кўргазмада Амалий санъат музейи захирасида сақланаётган, қадимги амалий санъат асарлари ҳамда ҳозирги кунда ижод қилаётган ҳунарманд усталарнинг яратган катта ва кичик асарлари намойиш қилинмоқда.***

Кўргазмада уста-ҳунармандлар сулоласининг еттинчи вакили ёғоч ўймакор уста Жамшид Ғоипов, ғиждувонлик уста-ҳунармандлар сулоласи вакили Дилноза Нарзуллаева иштирокида мастер-класс машғулотлари ҳам бўлиб ўтмоқда.

Кўргазма экспозициясидан ёғоч ўймакорлиги, мисгарлик, каштачилик каби амалий санъат асарлари кенг ўрин олган.

— Ёғоч ўймакорлиги ўзбек халқ амалий санъатининг кенг тарқалган турларидан ҳисобланади, — дейди ёш ҳунарманд Мирсаид Ғаниев. — Бунда бирор нақш, тасвир тахта ёки ёғоч буюмларига чизиб, кесиб, ўйиб ишланади. Ўрта Осиёда ёғоч ўймакорлиги қадимдан ривожланиб, уй-рўзғор буюмларида ва архитектурада жуда кенг қўлланилган. Ёғоч ўймакорлиги эшик, дарвоза, устунлар, ҳар хил тўсин, стол, хонтахта ва бошқа буюмларни безашда ишлатиб келинган. Халқ яратган асарлар ўзининг нафосати, мураккаблиги, табиийлиги билан инсон ақлини лол қолдиради.

— Мисгарлик эса сополчиликдан кейин иккинчи ўринда туради, — дея суҳбатимизга қўшилди ёдгорлик буюмлари ҳунарманди Лариса Манакова. — Мисгарлар ўз асарларини тилла, мис, кумуш, бронза ва латундан ясашган. Айнан мис маҳсулотларига бўлган талаб унинг тарқалишига ва хилма-хил кўринишга эга бўлишини таъминлаган. Мисга нақш чизишда кандакорлик, чизма ва шабак усулларидан фойдаланилади. Мисгарлик майда қўл меҳнати бўлиб, пўлат қалам ёрдамида нақш чизилади. Ҳар бир амалий санъат асари ўзига хос услубга, тарихга эга, уни асраб-авайлаш, шакллантириб бориш, ривожлантириш барча ҳунармандларнинг вазифасидир.

Ўзбек миллий каштачилиги эса халқимизнинг ўз турмушини гўзал қилиш истаги натижасида юзага келган. Қўл каштачилигига бўлган эътибор бугунги кунда кундан-кунга ортиб бормоқда. Шаклланган 11 та каштачилик мактабининг ўз характери, чок услуби, ранги ва бадиий ечимлари бор. Бу анъаналарнинг сақланишида устоз ҳунармандларнинг ҳиссаси катта.

«Устозимдан мерос ҳунарим» деб номланган кўргазма қадимдан то шу давргача бўлган анъанавий ва миллий амалий санъат асарларини намойиш этиш билан бирга, сақланиб келаётган фарқларни акс эттириб, уларнинг давомийлигини яна бир бор намойиш этади.

**Гулчеҳра САТТОР қизи**



# ЯНГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗИ

***Шаҳримизнинг айниқса кўп қаватли уйлари атрофида қад ростлаётган спорт-соғломлаштириш клубларининг сони тобора ортиб бормоқда. Жумладан, куни кеча Чилонзор даҳаси 4-мавзеда «Экспресс» соғломлаштириш маркази очилди.***

Тадбиркор Бахтиёр Хоназаровнинг саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган ушбу марказда сузиш, каратэ, кикбоксинг секциялари ҳамда тренажёрлар зали фаолият кўрсатмоқда.

Келгусида мини футбол ва баскетбол майдонларини қуриш, марказ қошида парҳез таомлари ошхонаси ишини йўлга қўйиш режалари бор.

Қувонарли томони шундаки, «Экспресс» соғломлаштириш марказининг 79 ва 179-умумтаълим мактаблари яқинида жойлашганлиги сабабли кўпчилик ўқувчилар спорт секцияларида ўз маҳоратларини оширмоқдалар. Бунда сузиш бўйича мураббийлар — Виктория ва Вадим Марковлар, Луиза Ҳасанова, каратэда Дилноза Бакирова, кикбоксинг бўйича устоз Даврон Назировларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

**Даврон НУРМАТОВ**
**Алексей Попов олган сурат**

# Оз-оз ўрганиб доно бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Кишининг қайсарлик даражасига қараб ҳам қанчалик нодонлигини билса бўлади.**

* * *

**Одамлардан ҳеч нимани яшириб бўлмайди.**

* * *

**Бекарорнинг бахти барқарор бўлмайди.**

* * *

**Ўзига ишонмаган ҳаммадан хавфсираб юради.**

* * *

**Доно – оқар дарё, нодон бир кўлмак.**

* * *

**Бировнинг ҳаётидан бир чиқиб кетдингми, қайтиб киришга уринма.**

* * *

**Душманнинг жимиб кетишидан қўрқ – у янги фитнага тайёргарлик кўраётган бўлади.**

* * *

**Тирикчилик ташвишлари ўргимчакдай ҳаммани ўз тўрига ўрайди.**

* * *

**Текин миннатсиз бўлмас.**

* * *

**Кимнинг аслида кимлигини вақт кўрсатади.**

* * *

**Марднинг иқболи ётмасин,**
**Номарднинг тонги отмасин.**

* * *

**Бекарорнинг бахти барқарор бўлмайди.**

* * *

**Бахт бировларга кўз-кўз қилинадиган нарса эмас.**

* * *

**Нигоҳ тилдан кўп маънони ифодалайди.**

* * *

**Таъма дилни бузади.**

* * *

**Ҳар кимнинг туриш-турмуши феълига мос.**

* * *

**Шоир сўз топишга уста, олим тадбир.**

* * *

**Ноҳақ уриб енгади.**

* * *

**Ҳалол пул айланиб яна ўзингга келади.**

* * *

**Сен ўзингни кўрсатма, сени ишинг кўрсатсин.**

* * *

**Иш эгасиз қолмайди.**

* * *

**Бахтдан ўзгаси бекор.**

(Давоми бор)

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

**Анжуманлар**

# АРХЕОЛОГИК ТОПИЛМАЛАР

***Халқаро маданият карвонсаройида «Буюк Ипак йўли мамлакатлари маданий меросини асраш» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуман «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Бадиий академия, Ўзбекистон тарихи давлат музейи ҳамкорлигида ташкил этилди.***

Мустақиллик йилларида бой тарихимизни ўрганиш, меъморий обидаларни тиклаш юзасидан кенг қамровли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу борада япониялик археолог олимлар билан биргаликда Сурхондарёнинг тарихий обидаларида амалга оширилаётган илмий экспедициялар, қазишма ишлари қадимшунослик, тарих, санъат ва маданият, илмий ҳунармандлик бўйича маълумотларга эга бўлиш имконини берди.

Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвонсаройида қадимий топилмалар, кулолчилик буюмларини реставрация қилиш, уларнинг бирламчи кўринишини қайта тиклашга оид маҳорат сабоқларини ўтказиш одат тусига кирган.

– Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон тарихи, маданияти ва санъатига Японияда қизиқиш катта, – дейди Япониянинг Комозава университети профессори, археолог олим Хироаки Фурушо.

Ўзбек олимлари билан бирга илмий экспедиция таркибида юртингиздаги Далварзинтепа, Кампиртепа каби тарихий жойларда бўлиб, юртингизнинг ҳақиқатан ҳам цивилизация марказларидан бири эканига яна бир карра ишонч ҳосил қилганман.

Анжуманда Ўзбекистондаги археологик топилмаларни асраб-авайлаш ва тиклашга оид маърузалар тингланди. Бундай анжуманларнинг ўтказилиши юртимизнинг жаҳон мамлакатлари орасидаги нуфузини янада оширишга яқиндан кўмак беради.

**Дилсўз ҲУСАНОВА,**
**Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси**

# ТЕННИСЧИМИЗНИНГ МУҲИМ ҒАЛАБАСИ

***Республика олимпия заҳиралари теннис мактаби кортларида Профессионал теннисчилар уюшмаси (ATP) мусобақалари тақвимидан жой олган эркаклар ўртасидаги халқаро «Челленжер» турнирининг биринчи давра беллашувлари якунланди.***

Ҳамюртимиз Фаррух Дўстов биринчи учрашувида канадалик теннисчи Вашек Поспишилни 6:2, 3:6, 6:3 ҳисобида енгди. Энди Фаррух чорак финал йўлланмаси учун қозоғистонлик Андрей Голубев билан рақобатлашади.

Халқаро турнирда илк ғалабасини нишонлаган исроиллик Дуди Села, россиялик Игорь Куницин, Дмитрий Турсунов, словакиялик Карол Бек, Лукаш Лачко, италиялик Флавио Циполла, хорватиялик Иван Додиг, испаниялик Адриан Менендез Масейрас, тунислик Малик Жазирий, сербиялик Душан Лайович каби маҳоратли теннисчилар ҳам ғолиблик учун курашни давом эттирмоқда.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

**Спорт янгиликлари**

***Футбол мухлисларига маълумки, 12 октябрь куни Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси Қатар пойтахти Доха шаҳрида Ироқ терма жамоасига қарши назорат-ўртоқлик учрашувида майдонга тушиши лозим эди.***

# РАҚИБИМИЗ — БАА ЖАМОАСИ

Бироқ ироқлик чарм тўп усталарига қарши кечадиган назорат-ўртоқлик учрашуви ноябрь ойида ўтказиладиган бўлди. Сабаби, 12 октябрда Ироқ терма жамоаси Бразилия терма жамоасига қарши ўртоқлик баҳсида майдонга тушади.

Шу боис Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда терма жамоалар маркази бошқа давлатлар футбол федерациялари билан музокаралар олиб боради. Натижада 12 октябрда миллий терма жамоамиз Дубайда БАА терма жамоаси билан куч синашади.

# ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ҚАТНАШИШАДИ

***Аввал хабар берилганидек, Россиянинг Калининград шаҳрида футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати бошланди.***

Шу туфайли ҳам амалдаги жаҳон чемпиони ҳисобланган Ўзбекистон ногирон-ампутантлар терма жамоаси аъзолари Тошкентдан Калининград шаҳрига жўнаб кетишди.

Эслатиб ўтамиз, ушбу нуфузли турнир 15 октябргача давом этади. Биз кўпминг сонли футбол мухлислари номидан жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган ҳамюртларимизга омад ёр бўлсин деймиз.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

**Табиат неъматлари**

# ЛИМОННИНГ ХОСИЯТЛАРИ

***Ҳозирда лимон қарийб барча мамлакатларда ўзининг татимлилиги, хушхўрлиги ҳамда шифобахшлиги билан танилган неъмат ҳисобланади.***

Лимон мевасининг юмшоқ қисмида 5-8 фоиз атрофида органик кислоталар (лимон, олма кислотаси), фитонцидлар, С, В1, В2, Р дармондорилари, каротин, флавоноидлар, кальций, фосфор, темир, магний бор. Мева пўстида 0,6 фоизга яқин эфир мойлари (лимонен, цитраль), уруғларида эса мой ҳамда аччиқ модда — лимонин бўлади. Лимоннинг шох ва баргларида 0,24 фоизгача эфир мойлари мавжуд.

Қадимги табиблар лимоннинг хосиятларидан ўринли фойдаланганлар. Лимон сўриб олувчи, тозаловчи, ёпишқоқ, қаттиқ моддаларни кўчириш хусусиятига эга. Иссиқликдан келиб чиқадиган бош оғриғига, бош айланишига даволик қилади, томоқдаги иссиқ шишларга ёрдам беради, шунингдек, у юрак хаприқишига, сафродан келиб чиқадиган қайт қилишга, кўнгил озишига, безгак хуружида наф беради.

Халқ табобатида лимон сариқ, сийдик йўлидаги тош, бавосил, ўпка сили, бод касалликларини даволашда, шунингдек, никриз (подагра), атеросклероз, қон босими, витаминлар етишмаслигида тавсия этилади.

Лимон шарбати иситмани тушириш, чанқоқни қондиришда ҳам ёрдам беради. Лимондан тери касалликларини даволашда ҳам фойдаланилади. Лимондан тайёрланган хушбўй сув (лосьон) билан юздаги ҳуснбузар ҳамда доғларни кетказиш мумкин.

Лимонни қирқиб иситилган ҳолда манглай ҳамда чаккага суртиладиган бўлса, унда изтиробли, иссиқланишдан келиб чиқадиган бош оғриғига даволик қилади.

Замонавий тиббиётда лимон ва унинг шарбати ошқозон-ичак касалликларида, танада минерал тузларнинг алмашинуви бузилганида истеъмол қилинади, шунингдек лимон шарбати бодомча безлари (ангина)-нинг, шунингдек ютқуннинг яллиғланиши (фарингит) да фойда беради.

Лимондан беозор даво сифатида уй шароитида бемалол фойдаланилиши мумкин. Жумладан, сариқ касаллигида, тана салқишида, сийдик йўлидаги тош касаллигида, бод, меъда кислотаси камлиги билан боғлиқ гастритда лимон истеъмол қилиниши мумкин, шунингдек, ташқи муолажа кўринишида лимон шарбати сув билан аралаштирилган ҳолда бодомча безларининг яллиғланишида, оғиз шиллиқ пардаларининг шамоллашида чайилади, теридаги замбуруғли касалликлар ҳамда гуш (экзема)да матога бўктирилиб боғлама (примочка) сифатида фойдаланилади. Лимон шарбати терининг ёрилишига хотима бериб, тирноқларнинг синиши дардидан халос қилади. Лимондан тухум оқи билан ийдирилиб глицерин ва атир билан аралаштирилган ҳолда юздаги доғларни кетказишда фойдаланиш мумкин.

**Маннон НАБИЕВ,**
**доришунос олим**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **11 октябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10, кундузи — 26-28 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **11 октябрда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 1041
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4858 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.20
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 5